

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАЪЛИМИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТҮГРИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Мансурова Ўғлой Шухратовна

Мирзо Улугбек тумани

193-сонли ДМТТ тарбиячи

Аннотация : Мактабгача таълим ташкилотларида таълимий фаолиятини түгри ташкил этиши ва болаларнинг хаёт фаолиятини түгри ташкил этиши шартларидан бири тарбиячилар ва ота-оналар қўядиган талабларнинг бир хил бўлиши хакида баён этилган.

Калим суз: Соғлом турмуши тарзи, болалар, тарбия, ўкув, ўйин, меҳнат

THE IMPORTANCE OF PROPER ORGANIZATION OF EDUCATIONAL ACTIVITIES IN PRESCHOOL EDUCATION

Mansurova O'g'loy Shukhratovna

Mirzo Ulugbek district

Educator of the State Preschool Education Organization No. 193

Annotation One of the conditions for the proper organization of educational activities in preschool education and the proper organization of children's life is stated that the requirements for educators and parents are the same.

Keywords: Healthy lifestyle, children, upbringing, education, play, work.

Аннотации: Одним из условий правильной организации воспитательной деятельности в дошкольном образовании и правильной организации жизни детей заявлено, что требования к воспитателям и родителям одинаковы.

Ключевые слова: здоровый образ жизни, дети, воспитание, образование, игра, работа.

Хаётнинг ҳар бир даври, ривожланиш хусусиятлари ва эҳтиёжларига кўра ўзига хос босқичларга эга. Боланинг ўсиб, улғайишида мактабгача бўлган даврни шулар сирасига киритиш мумкин. Болалар оҳанграболи олам ҳисобланиб, жуда тез ўсиш, ривожланиш ва ўзгаришлар ичидаги яшайдилар. Бу фарзанд тарбиясида айнан шу палла қанчалик аҳамиятли эканининг яна бир исботидир.

Соғлом турмуш тарзи - бу оқилона кун тартиби қоидаларига риоя қилиш, тўғри овқатланиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, зарарли одатлардан сақланиш ва чиниқищдан иборат.

Мактабгача ёшдаги бўлган давр боланинг ривожланишида муҳим босқич ҳисобланади. Бу даврда унинг саломатлиги ва жисмоний ривожланишига, ҳаракат маданиятига замин яратилади. Шунинг учун ҳам болаларнинг ривожланишида кун тартиби, чиниқтириш, ҳаракатли ўйинлардан оқилона фойдаланиш каби масалаларга жиддий эътибор бериш лозим.

Кун тартиб эрталабки соатдан бошланади. Эрталабки соатда қилинадиган педагогик ишнинг асосий вазифаси болаларда, тетик, қувноқ қайфият уйғотишидир. Болалар фаолиятининг бошка турлари (ўкув, ўйин, меҳнат) билан бир қаторда хаётий фаолият мактабгача тарбия ёшдаги бола шахсининг таркиб топишида катта ўрин эгалловчи катор хусусиятларга эга. Бу фаолият тури тарбиявий таъсирнинг доимий соҳасидир. Болалар жамоаси билан, катталар билан ўзаро муносабатда, хатти-ҳаракатларда, кечинмаларда бола шахси яққол намоён бўлади. Хаётий фаолият болани ахлокий хатти-ҳаракатлар бўйича системали ва давомли машқ қилдириш, уларда одат ҳамда маданий-гигиена малакаларини тарбиялаш, қобилияtlарни юзага чиқариш ва такомиллаштириш, хулқ ва характернинг у ёки бу салбий ҳислатларини бартараф этиш учун хилма-хил шароитлар яратади.

Моддий муҳитни ташкил этиш муҳим момент ҳисобланади. МТТда ҳамма нарса болаларнинг мустақиллигини ривожлантиришга, уларнинг

фаоллигидан фойдаланишга ва илк ёшдан ўз-ўзига хизмат қилишга ўргатиб боришга мослаштирилган бўлиши керак.

Болаларнинг ҳаёт фаолиятини тўғри ташкил этишнинг тўғри шартларидан бири кундалик режимга аниқ риоя қилишдир.

МТТдаги кун тартиби болалар ҳаётининг мазмунли ўтишини, уларнинг хилма-хил харакатердаги фаолиятининг аниқ ташкил этилишини ҳамда изчиллик билан алмашиниб туришини таъминлаши мумкин.

Фақат педагогик нуқтаи назаридан ташкил этилган барча режим жараёнларигина маданий хулк-авторни шакллантиришга нерв системасини **эҳтиёт** қилишга ёрдам беради.

Вазмин шароитга ташқи тақиқлар билан эмас, балки гуруҳдаги ҳаёт услуги, муомала **оҳанги** орқали эришилади. Шунинг учун тарбиячи болаларнинг хатти-**ҳаракати** кандай чоралар билан тартибга солиниб туришига эътибор бериши керак: Тарбиячи улар оқилона талаблар, системаси ёрдамида уюшқоқликка, ўзини тия билишга намуна кўрсата олишга ўргатиб боради. Тарбиячининг қўйган талаблари болаларнинг ёшига мос бўлиши лозим. Бироқ “режим асло саф бўлиб маршировка қилиш билан **маҳкамланмаслиги** керак. Шеренга команда, марш билан юриш... булар ҳаммаси энг кам фойда келтирадиган формалардир ва улар жамоани жипслаштиришдан кўра кўпроқ болаларни жисмоний ҳам психик жиҳатдан толиқтиради”.

Болаларнинг турмуш тартиби доимий бўлиши керак. МТТдаги режанинг бузилиши одат тусини олган хулқ системасининг бузилишига олиб келади. Бу уларда жуда оғир кечади.

Болаларнинг ҳаёт фаолиятини ташкил этиш шароитларини мухокама қилганда энага ва тарбиячиларнинг гуруҳдаги вазифасини (овқатланиш, уйқу, сув процедуралари ва ҳоказаларни ташкил этиш) тўғри таксимлашга алоҳида эътибор бериш керак.

Ходимлар вазифаларининг аниқ тақсимланиши режимнинг бажарилишини таъминлайди.

Адабиётлар рўйхати:

- 1. Абдиев.А.** “Kitob dunyosi” – маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий газета. 2017 йил 24 май
- 2 ЗапорожецА. В.** Психология восприятия сказки ребенком — дошкольником. — Дошкольное воспитание, **1948, № 9, с. 34 — 41.**
- 3. Мещеряков Б. Г, Зинченко В.П.** Большой психологический словарь. Прайм-Еврознак, 2003. — 632 с.